

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК ИНСТИТУТИ

Кафедра: Конституциявий ҳуқуқ

КУРС ИШИ

МАВЗУ: Демократизм принципини таъминлашнинг
ҳуқуқий асослари

Бажарди: Раҳматуллаев Ф.П. “I ҳуқуқ”
факультети 1-курс “А” поток
1-гурӯҳ талабаси.

Илмий раҳбар: ўқитувчи Ҳусайнов У.

ТОШКЕНТ – 2010

МУНДАРИЖА

Кириш.....	3
1. Демократия тушунчаси ва белгилари.....	6
2. Давлат суверенитети демократиянинг муҳим элементи сифатида.....	13
3. Халқ – давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаи.....	15
4. Демократияни таъминлашда ҳокимиятлар тақсимланиши принципнинг ўрни.....	20
5. Сиёсий ва мафкуравий хилма-хиллик демократия шарти.....	24
6. Ўзбекистонда демократик жараёнларнинг ривожланиш тенденцияси.....	29
Хулоса.....	34
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	40

Кириш

Биз яшаётган ҳозирги давр улкан ўзгариш ва янгиланишларга бой бўлмоқда. Тараққиётнинг ўзи биздан жамиятимизни демократлаштириш ва ислоҳ этишни тақозо этмоқда. Жамиятдаги ўзгаришлар ва янгиланишларга монанд равишда давлатимиз томонидан жаҳон тажрибаларига таянилган ҳолда, халқаро ҳуқуқий меъёрлар асосида демократик ислоҳотлар олиб борилмоқда. Кишилар ҳуқуқий онги ва маданиятини ошириш, ҳуқуққа, ҳуқуқий тартиботга бўлган муносабатлар ижобий томонга ўзгараётганлигининг ўзи қувонарли ҳол, албатта. Чунки, собиқ совет тузуми исканжасида яшаган халқимиз узоқ йиллар давомида ўзининг ҳуқуқ ва эркинликларини тўла амалга ошириш имконининг йўқлиги, уларнинг ҳуқуқий тарбиясини мутлақо чеклаб қўйилишига олиб келган эди. Мустақиллик, озодлик, эркинлик бизга воқеликни тўғри баҳолашни, демократия ҳақида кенг тушунчаларга эга бўлишимизни талаб этмоқда.

Бизга маълумки, инсон ва унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимояси тамойили демократик давлатнинг асосий функцияларидан саналади. Чунки, инсон эркин ва озод бўлиб туғилади, унинг ҳуқуқлари олий қадриятдир. Бу борада БМТ нинг собиқ Бош котиби Кофи Аннан: Инсон ҳуқуқлари инсоният мавжудлигининг ва биргаликда яшашининг асосидир. Инсон ҳуқуқлари барча учун умумий, ажралмас ва ўзаро боғлиқдир. Айнан инсон ҳуқуқлари бизни одам қилади. Улар муқаддас инсоний қадриятлар уйини қуришимиз учун яратилган тамойиллардир.¹

Ўзбекистон Республикасида ўтказилаётган сиёсий-ҳуқуқий ва суд ислоҳотлари замирида инсон манфаатлари устуворлигини таъминлашга қаратилган самарали фаолият ётибди. Шунингдек суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотлар биз қураётган эркин бозор иқтисодиётига асосланган, ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятинининг асосий йўналишларидандир.

¹ Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси.// БМТ нинг Ўзбекистон Республикасидаги ваколатхонаси. – Т.: Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, 1998. – Б. 2.

Бугунги кунда мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш борасида куплаб ислоҳотлар олиб борилмоқда. Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганларидек, “Аввал бошданок биз ўзимиз учун муҳим сабоқ чиқариб олдик – зарур ҳуқуқий омиллари шакллантирмасдан туриб, тегишли қонунлар ва меъерий ҳужжатларни қабул қилмасдан туриб, ислоҳотларни амалга оширишнинг ишончли кафолатини, ислоҳотлар ортга чекинмаслигининг кафолатини яратиб бўлмайди. Кейинги йилларда қонун чиқариш тизимининг ўзигина эмас, балки қонун ва меъерий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ҳамда қабул қилиш механизми вужудга келди”².

Мамлакатимиз олдига қўйилган пировард мақсадларимиз бўлмиш фуқаролик жамиятига асосланган ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш қонун устиворлигини талаб этади. Хусусан, ҳуқуқий давлат барпо этиш биринчидан, кучли тартибдаги ҳокимият механизми мавжуд бўлишиликни; иккинчидан, демократик жамият талабига жавоб берадиган миллий ҳуқуқ тизимининг яратилишини; учинчидан, давлат органлари, жисмоний ва юридик шахслар томонидан қонун нормаларига риоя этилишини; тўртинчидан, фуқароланинг юксак даражада ҳуқуқий маданият савиясига эга бўлишликни талаб этади³. Шу боисдан ҳам истиқлол ислоҳотларининг ҳуқуқий негизларини яратишга мустақилликнинг дастлабки йиллариданок алоҳида эътибор қаратилди.

Конституциямиз муқаддимасида эълон қилинган фуқаролик жамиятига асосланган ҳуқуқий давлатни барпо этиш жараёни кетаётган бир пайтда қонунчиликни ҳамда қонун қабул қилиш жараёнларини қандай кечаётганлигини, унинг мазмун ва моҳиятини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга.

Бундан ташқари режали ва аниқ мақсадга қаратилган ишни ташкил этиш мақсадида депутатлар мамлакатни ислоҳ этиш ва модернизация қилишнинг давлатимиз бошлиғи томонидан олға сурилган устувор

² Каримов И.А. “Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида”. Т.: Ўзбекистон, 1995. 29-б.

³ И.Назаров, Ш.Рўзиназаров. “Мустақиллик – ҳуқуқ демократия”. Т.: Ўзбекистон, 1998. 8-бет.

йўналишлари ҳамда аниқ мақсадли вазифалари асосида ишлаб чиқилган Олий Мажлис Қонунчилик Палатасининг 2005-2009 йилларга мўлжалланган қонунчилик фаолияти дастурини қабул қилганлар. Қонунчилик фаолияти дастурида беш йил мобайнида 168 та қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш назарда тутилган⁴.

Демократик ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамияти қуриш, унинг роли ва таъсирини кучайтириш жамиятни янада демократлаштириш ҳамда янгилаш йўлида мамлакатни ислоҳ қилишнинг устивор йўналишларидан бири бўлиб, мамлакатда демократияни таъминлаш, демократик принципларни таъминлайдиган ҳуқуқий асосларни яратиш борасида А.А.Азизхўжаев З.М.Исломов, А.Х.Саидов, У.Тожихонов, Х.Одилқориев, Д.Аҳмедов каби ҳуқуқшунос олимларимиз томонидан изланишлар олиб борилган ва ўрганилган.

Курс ишининг назарий-методологик асоси бўлиб, илмий таълимотлар, қарашлар, ғоялар, ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш концепцияси, шунингдек Президентимиз И.А.Каримовнинг шу мавзуга оид фикр-мулоҳазалари ва бошқалар хизмат қилади.

Курс ишининг асосий манбалари бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонунлари ва қонуности ҳужжатлари тизимидан иборат норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда илмий адабиётлар ҳисобланади.

Курс ишининг тизими кириш, 6 параграф, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

⁴ Халилов Э. “Жамиятни демократлаштириш ва янгилашнинг ҳуқуқий негизи”. Т: Фуқаролик жамияти журнали № 1 (5) 2006.19-20 бетлар.

1. Демократия тушунчаси ва белгилари

Қадим даврлардан бери демократия адолатли жамият қурилишининг идеали бўлиб келган. Демократия-сўзи «демос» «халқ» деган маънони «кратос» эса «ҳокимият», бошқача айтганда, «халқ ҳокимиятчилиги» деган маънони англатади. Яъни «халқ ҳокимиятчилиги» атамаси юнонча «демократия» сўзининг айнан таржимасидир. Турли даврларда ва турли халқларда шу каби давлат қурилиши ғоялари пайдо бўлган. Ўзбекистон халқлари тарихида демократик ўзгаришларнинг ўз назарияси ва амалиёти бўлган.

Бугунги кунда демократия - жаҳон тараққиётининг асосий тамойилларидан бири, нафақат сиёсий-ҳуқуқий, балки маънавий қадрият ҳамдир. Бугун жаҳонда демократияни тан олган мамлакатгина эътибор қозонади. Демократик меъёрларни оёқ ости қилган мамлакатни жаҳон ҳамжамияти ўз қаторига қўшмайди. Жаҳондаги Америка Қўшма Штатлари, Буюк Британия, Япония ва Дания каби тарихий тақдири турлича, дини, урф-одатлари бир-бирига ўхшамас мамлакатлар муайян демократик тамойилларга кўра яшамоқда. Ҳозирга келиб демократия бутун ер юзида инсон ҳаётининг узвий шартига айланди.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси I бўлим, II бобида халқ ҳокимиятчилигини мустақамланиши мамлакатимизда давлат сиёсатини халқнинг хоҳиш-иродаси белгилаб беришини кафолатлайди. Чунки демократия - барча фуқаролари шак-шубҳасиз тенг бўлган, сиёсий азму қарорлар ҳамиша озчиликнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳисобга олган ва ҳимоя қилган ҳолда кўпчилик иродаси билан қабул қилинадиган ўз-ўзини бошқариш тузумидир.

Демократия тушунчасини талқин этиш кўплаб ҳуқуқшунос олимларнинг диққат марказида бўлиб келди. Демократия қадимги Юнонистонда пайдо бўлди. Унинг дастлабки кўринишлари халқ йиғинларида

Юнонистондаги қадимги шаҳар-давлатлардан бири ҳисобланмиш, Афинанинг оқсоқолларини сайлаш жараёнида вужудга келди. Уларда давлатнинг энг муҳим масалалари халқ йиғинида муҳокамага қўйилиб, кўпчиликнинг иродаси аниқланган. Афинадаги халқ йиғинлари очик жойларда, муҳим масалалар учун овоз беришлар қўл кўтариш йўли билан ҳал қилинар эди.

2005 йил 27 январдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг биринчи йиғилишида юртбошимиз И.А.Каримов шундай деган эдилар: “Демократия ва сайлов тушунчалари доимо ёнма-ён юради улар бирлашиб кетган. Сайлов-демократия дегани. Демократия бу сайлов дегани. Чунки ҳар қайси партия айнан сайлов орқали ўзининг тарафдорларини аниқлайди, ким унга овоз берапти, ким унинг ғоя ва дастурларини қўллаб - қувватляпти-буларнинг барчасини амалда кўришга муваффақ бўлади”⁵.

Дарҳақиқат, биз демократияни фуқароларнинг сайловларда тўғридан-тўғри ўзлари ҳоҳлаган номзодларига ёки партияларга овоз беришларида кўришимиз мумкин.

Демократик тузумда халққа кўп нарса боғлиқ, зеро бу тузум халқнинг ижодкорлигига асосланади. Билъакс, “демократия - фақат назария ёки сиёсий жараёнгина бўлиб қолмай, шу билан бирга халқнинг турмуш тарзи ва унинг бутун руҳияти, анъаналари, маданияти, психологиясининг хусусиятлари ҳамдир... Демократия жамиятнинг қадриятига, ҳар бир инсоннинг бойлигига айланмоғи керак”².

Эрамиздан олдинги V асрда яшаган Перикл ҳам демократияни шундай тавсифлаганди: “Бу тузум демократия деб аталади. Чунки озчиликнинг эмас, кўпчиликнинг манфаатларига асосланади. Хусусий манфаатлар учун эса қонунларимиз ҳаммага бир хил ҳуқуқ беради”.

⁵ Каримов .И.А Бизнинг бош мақсадимиз-жамиятни демократлаштириш ва янгилаш , мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир.Т.: “Ўзбекистон” , 2005. -13 б.

² Каримов. И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида.: Т.6.- Т.: “Ўзбекистон”, 1998.- 160 б.

Шунингдек, эрамиздан олдинги яшаган юнон файласуфи Афлотун (Платон) ўзининг илк асарларидан бўлмиш «Мусохабалар»идаёқ «яхшилар ҳокимияти» дея демократияга таъриф берганди: “Бировлар уни демократия дейишади, бошқалар яна нимадир деб аташар - кимнинг кўнгли нимани тусаса, шундай, аслида бу-яхшиларнинг халқнинг ваколоти билан бошқарувидир”. Эрамиздан олдинги V асрда яшаган Перикл ҳам демократияни шундай тавсифлаганди: “Бу тузум демократия деб аталади. Чунки озчиликнинг эмас, кўпчиликнинг манфаатларига асосланади. Хусусий манфаатлар учун эса қонунларимиз ҳаммага бир хил ҳуқуқ беради”.

Демократия ўзининг соф кўринишида фуқароларга ўзлари ва мамлакатлари тақдирига доир давлатона қарорлар чиқариш жараёнида тўғридан-тўғри, масалан, референдумлар орқали иштирок этиш имконини беради. Бу бевосита демократия демакдир. Бундай имконият Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 9-моддаси (давлат ва жамият ҳаётининг энг муҳим масалаларини референдум орқали ҳал этилиши белгиланган) ва 32-моддаси (фуқароларни давлат ва жамият ҳаётини бошқаришда бевосита ёки ўз вакиллари орқали иштирок этишлари белгиланган) да ҳам кўзда тутилган.

Фуқаролар ўз номларидан фаолият юритувчи ва қарор қабул қилувчи вакилларини сайлайдилар. Буни вакиллик демократияси ёки, бошқача айтганда, билвосита демократия деб атайдилар.

Вакиллик демократиясининг асосида доимий ўтказиладиган, ҳаққоний, ҳалол ва муқобил сайловлар ётади. Бундай сайловларнинг изчил ўтказилиши ҳокимиятни халққа боғлаб туради.

Демократия шароитида ҳукумат ҳокимият бошқарувини халқ розилиги билан олади ва мабодо, халқ ҳукуматга ишончини йўқотса, уни тинч, демократик йўл билан алмаштира олади. Зеро, инглиз файласуфи Жон Локк “Ҳокимият ҳақида”да ёзганидек, “ҳар бир инсон ўз ҳаётининг

ҳакамидир” ва у ўзига беклигидан воз кечиб, ўзининг устидан ҳокимият сайлар экан, унинг фаолиятдан ҳисобдор ва хабардор бўлишга ҳақлидир.

Демократия шундай тузумки, унда инсонни имкон қадар кам бошқарадилар, имкон қадар кам чегаралайдилар, имкон қадар кам безовта қиладилар. Аммо бу дегани инсон бошбошдоқлик қилаверади, чегарадан чиқаверади дегани эмас, чунки бошқа инсонлар ҳам унинг каби озод инсонлар, эркинлик истайдилар, ҳаловат хоҳлайдилар. Бир инсоннинг ҳаловати бошқа инсонга беҳаловатлик келтирса, бу ҳаловат, бу эрк чегараланади, фақат бошқанинг эркига хавф солмайдиган даражадагина чегараланади.

Ҳозирги вақтда турли давлатларда бўлаётган ўзгаришлар бизни асло бефарқ қолдирмайди. Жумладан, Грузия ва Украинада сўнгги пайтларда содир бўлган воқеалар бунинг яққол далилидир. Украинада бўлиб ўтган “зарғалдоқ инқилоби” деб номланувчи воқеаларга Президентимиз И.А.Каримов Тошкентда ”Независимая газета”сининг мухбирига берган интервьюсида қуйидагиларни таъкидлаб ўтди:

“Назаримда, бу турдаги инқилобларда албатта бир неча омиллар мавжуд бўлади. Бу борада Ғарбга асосий роль ажратилишига мен унчалик мойил эмасман. Бундан ҳам муҳимроқ бир омил борки, у ҳам бўлса, қатор йиллар давомида мамлакатда аста-секин тўпланиб борадиган ички норозилик кайфиятидир. Иккинчи омил эса, давлатнинг ижтимоий-иқтисодий соҳадаги сиёсати боғлиқ. Шунингдек, ҳукуматнинг аҳоли билан алоқаси қанчалик мустаҳкам экани, улар ўртасида мулоқотнинг мавжуд ёки йўқлиги ҳам ғоят муҳим аҳамият касб этади. Энг ёмони, ҳокимият билан халқнинг муносабати кар билан соқовнинг “сўзлашуви”ни эслатадиган ҳолатдир”⁶.

⁶ И.А. Каримов Империя даврида бизни иккинчи даражали одамлар , деб ҳисоблашар эди. Т.: “Ўзбекистон”, 2005.-6 б.

Айрим давлатларнинг “демократия”, “демократиялаштириш” ниқоби остида бошқа давлатларнинг ички ишига аралашishi мутлақо халқаро нормаларга тўғри келмайди. Жумладан, Конституциямизнинг 17-моддасида шундай дейилади, “Ўзбекистон Республикаси халқаро муносабатларнинг тўла ҳуқуқли субъектидир. Унинг ташқи сиёсати давлатларнинг суверен тенглиги, куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид қилмаслик, чегараларнинг дахлсизлиги, низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик қоидаларига ва халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган бошқа қоидалари ва нормаларига асосланади”.

Шундан ҳам кўриниб турибдики, ҳар бир давлат ўзининг ички ва ташқи сиёсатини амалга оширар экан, албатта умум эътироф қилинган халқаро нормаларга сўзсиз риоя этишлари шарт.

Гарчанд демократия азалий қадрият бўлса-да, фақат XX аср ўрталарига келиб умуминсоний қадрият сифатида эътироф этилди ва бугун-XXI асрда умумжаҳон мақомига эга бўлмоқда.

Шу боис ҳам мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ мамлакатимизда бунга катта аҳамият берилди. Хусусан, 1992 йил 8-декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 32-моддасига кўра мамлакатимиз “фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар. Бундай иштирок этиш ўзини-ўзи бошқариш, референдумлар ўтказиш ва давлат органларини демократик тарзда ташкил этиш йўли билан амалга оширилади”.

Фуқароларнинг жамият ва давлат ишларида, шунингдек қонун лойиҳаларини муҳокама қилишдаги иштироклари норматив ҳуқуқий ҳужжатларда бевосита ўз ифодасини топган. Жумладан, 2000 йил 14-декабрда қабул қилинган, “Қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамаси

тўғрисида”ги қонунида фуқароларнинг қонун лойиҳаларини муҳокама қилишдаги иштироклари бевосита кўрсатиб ўтилган. Унга кўра:

“Қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамасида фуқароларнинг иштирок этиши ихтиёрийдир ҳамда фуқароларни қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамасида иштирок этишга мажбурлаш тақиқланади. Қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамасида иштирок этишда фуқаролар тенг ҳуқуқдан фойдаланадилар.

Фуқароларнинг жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеига қараб қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамасида иштирок этиш ҳуқуқларини чеклаш тақиқланади.

Қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамаси жараёнида фуқаролар қонун лойиҳалари бўйича ўз фикрини эркин билдириш ҳуқуқига эгадирлар ҳамда ҳеч ким қонун лойиҳалари юзасидан ўз фикрини билдиришга мажбур қилиниши мумкин эмас”.⁷

Зеро, “Ўзбекистон, - дейди Президентимиз Ислом Каримов, - келажаги буюк давлат. Бу- мустақил, демократик, ҳуқуқий давлатдир. Бу- инсонпарварлик қоидаларига асосланган, миллати, дини, ижтимоий аҳволи, сиёсий эътиқодларидан қатъий назар фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаб берадиган давлатдир”¹.

Демократия муҳим ижтимоий-сиёсий воқелик сифатида, давлатнинг муҳим элементи дир. Демократиянинг муҳим белгилари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин.

1. Халқ давлат ҳокимиятини бошқаришда бевосита ёки, билвосита иштирок этиши. Бевосита иштирок этиш - бунда халқ сайловлар йўли билан давлатнинг олий вакиллик, ёки маҳаллий вакиллик органларини шакллантиради. Билвосита иштирок этиш – бунда фуқаролар давлатнинг вакиллик органларига ўз номзодини тақдим этади.

⁷ Қаранг. Ўзбекистон Республикаси қонунлар тўплами. 2001й, 8-сон, 78-бет.

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1-Т.: Ўзбекистон, 1996.-44-бет.

2. Давлатнинг суверенитетига эгаллиги. Давлат мустақилликка эгаллиги демократиянинг таъминланишига муҳим омилдир. Давлат қачонки, суверенитетини, яъни ички ва ташқи сиёсатда мустақилликка эгаллигини эълон қилиниши билан тўла асосда эркинликни таъминлайди.

3. Давлатда тўла суверенитет таъминланиши учун ўз давлат рамзларига(байроғи, герби, мадҳияси), давлат тилига эгаллиги, давлатнинг пойтахтига эгаллиги, чегараларнинг дахлсизлиги, бўлинмаслиги.

4. Ҳокимиятларнинг бўлиниши принципига кўра давлат органлари – қонун чиқарувчи, ижро этувчи, суд ҳокимиятига бўлиниши.

5. Жамият ва давлатнинг энг муҳим масалалари умумий овозга – референдум ўтказиш йўли билан ҳал қилиниши.

6. Давлатда фикрлар хилма-хиллиги асосида сиёсий режим ўрнатиш. Яъни ҳеч қайси мафқурани давлат мафқураси сифатида ўрнатмаслик.

7. Давлатда ижтимоий адолат ва қонунийлик ўрнатилганлиги. Конституция ва қонунларнинг устинлиги сўзсиз тан олинди.

8. инсон ҳуқуқларини тан олиш ва халқаро андозалар миқёсида рўёбга чиқариш;

9. демократик ҳуқуқий ва дунёвий давлат принципларини амалга ошириш;

10. ижтимоий низоларнинг олдини олишнинг, барқарорлик ва миллий келишувни қўллаб-қувватловчи ҳуқуқий механизмнинг мавжудлиги;

2. Давлат суверенитети демократиянинг муҳим элементи сифатида

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси «Ўзбекистон — суверен демократик республика» эканлигини эълон қилувчи ва қонуний мустақамловчи муҳим қоидадан бошланади. Хусусан, унинг 1-моддасида «Ўзбекистон – суверен демократик республика. Давлатнинг «Ўзбекистон Республикаси» ва «Ўзбекистон» деган номлари бир маънони англатади», деб белгиланган.

Давлат суверенитети деганда, давлат ҳокимиятининг устиворлиги, унинг мамлакат ичкарисида ҳам, халқаро майдонда бошқа давлатларга нисбатан ҳам тўла мустақиллиги тушунилади. Суверенитет давлат ҳокимиятининг алоҳида хусусияти бўлиш билан бир пайтда, давлатнинг муҳим белгиси ҳам ҳисобланади. Ўзбекистонда давлат ҳокимиятини ташкил этишнинг энг муҳим конституциявий тамойилларидан бири давлат суверенитети принципи ҳисобланади. «Давлат суверенитети» ибораси французча «юқори ҳокимият», «олий ҳокимият» деган маънони англатади. Суверен давлат ички ва ташқи сиёсий фаолиятида ўзининг мустақил ва олий давлат ҳокимиятига, яъни қонун чиқарувчи ҳокимиятига эга бўлади.

Ўзбекистон халқининг суверенитети мамлакатимизда ҳокимиятнинг тўлалигича халққа тегишлилигини билдиради. Халқ –ҳокимиятнинг ягона манбаи ва субъекти, унга ҳеч ким ўз иродасини ўтказа олмайди. Халқ суверенитетининг мазмуни шундан иборатки, унинг ҳокимияти бошқа субъектга берилмайди ва бўлинмайди. Ўзбекистонда давлат ҳокимияти халқники фақат унга хизмат қилади. Халқ суверенитети давлат ва миллий суверенитетларида намоён бўлади. Ўзбекистонда суверенитетнинг манбаи ва ягона эгаси бўлган халқ уни, энг аввало, давлат ҳокимияти орқали давлат суверенитети сифатида амалга оширади.

Миллат суверенитети –миллатнинг сиёсий ва ҳуқуқий ҳолати тушунилади. Ҳар бир миллат ўзининг суверен сиёсий ва ҳуқуқий ҳолатига

кўра, ўз сиёсий ҳолатини, ўз иродаси билан, бошқа халқларнинг аралашувисиз мустақил тарзда белгилайди, иқтисодий, маданий ривожланиш йўлини танлайди ва ўз миллий давлатини тузади.

Миллат суверенитети миллатнинг ажралмас хусусияти бўлиб, унинг мустақил яшаш ҳуқуқини билдиради.

Миллат суверенитети миллатнинг ажралмас хусусияти бўлиб, унинг мустақил яшаш ҳуқуқини билдиради Бу ҳуқуқни маълум даражада амалга оширилиши, яъни ўзининг миллий давлат шаклини танлаши, якка ҳолда ёки бошқа миллатлар билан биргалашиб давлат тузиши миллий суверенитетнинг амал қилиши ҳисобланади.

Суверен давлат ҳокимиятининг асосий хусусияти унинг мустақиллиги ҳисобланади. Давлат ҳокимиятининг мустақиллиги, шу давлатнинг бошқа давлатлар билан тўғридан-тўғри, бевосита муносабатларида ўз ифодасини топади.

1991 йилнинг 31 августида ўзбек халқининг азалий орзуси, яъни ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи рўёбга чиқиши натижасида Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги эълон қилинди.

Давлат рамзлари – бу мустақил давлатнинг муҳим ташқи белгиларини ўзида мужассамлантиради. Давлат рамзларида халқнинг азалий орзуси, унинг эзгу ниятлари, бугунги ҳаёт мазмуни акс этади.

Ўзбекистон Республикасининг байроғи, герби ва мадҳияси. Ҳар бир мустақил давлат ўз байроғи, герби ва мадҳиясига эга бўлади. Конституциямизнинг 5-моддасида давлатимиз байроғи, герби ва мадҳиясининг ҳуқуқий асослари белгилаб берилган. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.каримов таъкидлаганидек, “Давлатимиз рамзлари - байроқ, герб ва мадҳия Ўзбекистон халқларининг шон шарафи, ғурури, тарихий хотираси ва интилишларини ўзида мужассамлаштиради” ва улар ҳақида махсус қонунлар қабул қилинган. Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисидаги қонун 1991 йил 18 ноябрда, Давлат герби

тўғрисида қонун 1992 йил 2 июлда, Давлат мадҳияси тўғрисидаги қонун 1992 йил 10 декабрда қабул қилинган.

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг рамзлари муқаддас бўлиб, уларни ҳар қандай йўл билан таҳқирлаш қонун билан жавобгарликка тортилади.

Давлат рамзлари ҳақида гапирар эканмиз, аввало уларнинг моҳияти, нима учун зарурлиги ва тарихий келиб чиқиши ҳақида ҳам билиб олиш керак. Шундагина уларнинг давлат ҳаётида тутган ўрни ва аҳамияти тушунарли бўлади.

3. Халқ – давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаи

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 7-моддасига биноан, “халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир. Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти халқ манфаатларини кўзлаб ва Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда унинг асосида қабул қилинган қонунлар ваколат берган идоралар томонидангина амалга оширилади”.

Конституцияда назарда тутилмаган тартибда давлат ҳокимияти ваколатларини ўзлаштириш, ҳокимият идоралари фаолиятини тўхтатиб қўйиш ёки тугатиш, ҳокимиятнинг янги ва мувозий таркибларини тузиш Конституцияга хилоф ҳисобланади ва қонунга биноан жавобгарликка тортишга асос бўлади.

Шунга кўра, мамлакатимизда халқнинг хоҳиш-иродаси давлат сиёсатини белгилаб беради. Бу сиёсат инсон ва жамиятнинг фаровонлигини, Ўзбекистон барча фуқароларининг муносиб турмушини таъминлашга қаратилган бўлиши керак.

Ўзбекистонда давлат халқ иродасини ифодалайди ва унинг манфаатларига хизмат қилади. Агар ҳозирги вақтда давлатимизнинг ички ва ташқи сиёсий фаолиятига диққат билан назар ташласак, мазкур сиёсат инсон ва жамият фаровонлиги мақсадига бўйсундирилганлигини, юртимиз ободлигини ва халқимиз фаровонлигини таъминлашга қаратилганлигини кўраемиз.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси мамлакат демократик тараққиётининг стратегик йўналишларини, инсоннинг сиёсий ҳуқуқларини халқаро андозалар миқёсида белгилаб беради, халқаро ҳуқуқ устунлигини, ҳокимиятлар тақсимланишини, давлат ҳокимияти органлари ва маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органларининг сайланишини, кўппартиявийликни, мафкуравий плюрализмни ўзида акс эттиради.

Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан бир манбаи эканлиги ҳақида сўз кетар экан, хўш, халқ давлат ҳокимиятини қандай йўл билан амалга оширади,

деган табиий савол туғилади. Конституцияда худди ана шу саволга ҳам аниқ жавоб берилган. Халқ давлат ҳокимиятини бевосита ёки ўзи сайлаб қўядиган органлари орқали амалга оширади. Халқ ижтимоий ва давлат ишларини бошқаришда, қонунлар қабул қилишда умумхалқ муҳокамаси ва референдумлар орқали ҳокимиятнинг вакиллик органлари ташкил этиш, мамлакат Президентини сайлаш йўли билан иштирок этади.

Давлат ҳокимияти халқ манфаатлари йўлида хизмат қилар экан, унинг учун ўз фаолиятини олиб борар экан, ўз навбатида халқ ҳам давлат учун ўзининг олдига қўйилган юксак ва ишончли вазифаларни амалга оширмоғи лозим.

Конституциянинг 7-моддасига биноан, давлат ҳокимияти фақат Конституцияда ва қонунларда кўзда тутилган ва улар асосида тузилган идоралар томонидан амалга оширилади. Ҳозирги вақтда бизда давлат ҳокимиятининг тизими- унинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши тамойилига асосланади. Қонун чиқарувчи ҳокимият Олий Мажлис томонидан, ижроия ҳокимияти Президент ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан, суд ҳокимияти эса Конституциявий суд, Олий суд ҳамда Олий ҳўжалик суди томонидан амалга оширилади. Давлат ҳокимиятини амалга оширувчи барча идоралар ўз фаолиятини фақат қонун томонидан берилган ваколат доирасидагина юритадилар. Уларнинг ўзбошимчалик билан Конституция ва қонунлардан ташқари ваколатларга эга бўлиши, ўзларига берилган ваколатдан четга чиқиши мумкин эмас. Шунингдек, уларнинг ваколатларини бошқа органлар ташкилотлар, ёки алоҳида шахслар амалга ошириши мумкин эмас.

Юқорида айтиб ўтилган барча давлат идораларининг ташкил этилиши ва ҳуқуқий ҳолати Конституция ва тегишли қонунларда белгилаб қўйилган. Барча давлат идоралари ва мансабдор шахслар, шу жумладан фуқаролар ҳам Ўзбекистон Конституцияси ва унинг асосида қабул қилинган қонунларга сўзсиз итоат этишлари лозим. Бу эса ҳуқуқий давлатимизнинг муҳим белгиларидан биридир.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 7-моддасида халқ ҳокимиятининг ягоналигига, дахлсизлигига, ўзбошимчалик билан ўзгартирилмаслиги ёки алмаштирилмаслигига ишора қилиниб, қуйидагилар белгиланган:

биринчидан, Конституцияда назарда тутилмаган тартибда давлат ҳокимияти ваколатларига эга бўлиб олиш мумкин эмас. Масалан, Ўзбекистонда Олий Мажлисдан бошқа ҳеч қандай давлат органи ёки жамоат бирлашмаси қонун чиқариш ҳуқуқига эга эмас;

иккинчидан, Конституцияда назарда тутилмаган тартибда ҳокимият идоралари фаолиятини тўхтатиб қўйиш ёки тугатиш мумкин эмас. Масалан, ҳокимиятнинг олий органи-Олий Мажлис тўғрисида сўз кетар экан, у фақат Конституциянинг 95-моддасида кўрсатилганидек, Президентнинг Конституциявий суд билан бамаслаҳат қабул қилган қарори асосидагина тарқатиб юборилиши мумкин. Албатта, бунинг учун Конституцияда назарда тутилган тегишли асослар талаб қилинади;

учинчидан, Конституцияда назарда тутилмаган тартибда давлат ҳокимиятнинг янги ва мувозий таркибларини тузиш мумкин эмас. Бу ерда ҳам ҳокимият ваколатларини фақат Конституцияда кўрсатилган давлат идораларигина амалга ошириши лозимлиги, улардан бошқа ҳеч қандай идоранинг бундай ваколатга эга бўла олмаслиги таъкидланади. Масалан, одил судловнинг фақат суд томонидан амалга оширилиши, яъни бошқа ҳеч қайси орган бу фаолият билан шуғулланиши мумкин эмас;

Юқорида кўрсатилган қоидаларни бузиш, Конституция ва қонунларга хилоф ҳисобланади ва қонунга биноан тегишли жавобгарликка тортилади.

Ўзбекистон Республикасида барча амалга оширилаётган ишлар халқ манфаатлари, унинг эртанги келажагини ўйлаб қилинмоқда. Қонунлар ваколат берган идоралар томонидан олиб борилаётган ички ва ташқи сиёсатнинг асл мақсади ҳам халқ фаровонлиги, тинчлиги ва ободонлигини таъминлашга қаратилгандир.

Шу ўринда юртбошимиз И.А.Каримовнинг қуйидаги фикрларини келтириб ўтиш жоиз: “Биз бугунги кунда минтақамизда яшаётган халқлар гўёки ҳали демократия учун тайёр эмас, бу борада “пишиб етилмаган”, улар олдин камбағаллик ва қашшоқлик билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилишлари зарур, шундан кейингина демократия қуриш, сиёсий ва иқтисодий ислоҳотлар учун шарт-шароит юзага келади, деган гапларни кўп бора эшитганмиз.

Бундай баёнот ва ёндашувлар - аввало тарихни билмаслик, халқнинг бунёдкорлик салоҳиятига, куч-қудратига ишонмаслик, айтиш мумкинки, ҳозирги дунёни жадаллик билан ўзгартириб бораётган объектив, глобал жараёнларни тушунмаслик натижасидир”⁸.

Хулоса шуки, юртимизда адолатли халқ ҳокимиятчилиги ўрнатилган. Конституциянинг ушбу моддасининг ўзидаёқ халқ ҳокимиятнинг бирдан бир манбаи, ягона эгаси эканлиги ҳуқуқий жиҳатдан расмийлаштирган бўлиб, буни рўёбга чиқаришда бевосита фуқароларимизнинг ҳуқуқий фаоллиги ҳам талаб этилади.

⁸ Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз-жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни ни модернизация ва ислоҳ этишдир.Т.: “Ўзбекистон”, 2005.- 24 б.

4. Демократияни таъминлашда ҳокимиятлар тақсимланиши принципнинг ўрни

Бизга маълумки, ҳар қандай ҳуқуқий демократик давлатнинг қуроли, қони ва жони қонунлар бўлсагина шу давлатда шахс эркинликлари кафолатланади, таъминланади. Жамият манфаатига хизмат қилувчи қонунлар ишлаб чиқиш, уларнинг ижросини таъминлаш, ҳаётга тадбиқ этиш, назорат ва муҳофаза қилиш, ҳуқуқий тартиботни таъминлаш давлатнинг муҳим асосий функцияларидан саналади. Давлатнинг ана шундай функцияларини амалга ошириш учун маълум механизм вужудга келтирилади. Давлат ҳокимиятини амалга ошириш учун давлат органларининг фаолияти муҳим ўрин тутди. Аслини олганда ҳокимият бўлинмас деб қаралади, лекин давлат ваколатлари тақсимланади десак тўғрироқ бўлади.

Ҳокимият ваколатларининг бўлиниши принципи нимани англатади? Бу шу билан изоҳланадики, давлатда қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятларининг мустақил фаолият юритиши, бир-бирларини тийиб туришларини ва ўзаро мувозанатлаштириши кераклиги. Мустақиллик йилларида мамлакатимизда давлат органларининг янги таркиби шакллантирилди. Давлат ҳокимияти ваколатларининг бўлиниши тамойили Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 11-моддасида қуйидагича ифодаланди: ”Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимиятининг тизими ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши принципига асосланади”⁹. Давлат ҳокимиятининг тақсимланиши ҳар қандай давлатнинг демократик хусусиятини белгилайди, унинг халқ ҳокимиятчилигига асосланганлигини билдиради. Давлат ҳокимияти ваколатлари бўлиниши принципини мустаҳкамлаган ушбу модда, меъёр Ўзбекистоннинг конституциявий тарихида биринчи марта пайдо бўлди. Ўзбекистоннинг илгариги 1927, 1937 ва 1978 йиллардаги Конституцияларида бундай принцип мавжуд эмас эди.

⁹ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси Т: “Ўзбекистон” 2008-йил. 5-бет.

«Ҳокимият ваколатларининг бўлиниши» ғояси қадимий бўлиб, қадимги юнон файласуфи ва олими Аристотель томонидан ҳам илгари сурилган. Ўрта асрларда М. Падуанский ва бошқалар ҳам бундай ғояни ёқлаб чиққан эдилар. XVIII асрнинг ўрталарига келиб, бу ғоя мустақил таълимотга айланган. Машҳур француз маърифатпарвари, ҳуқуқшунос, файласуф ва ёзувчи Монтескье (1689-1755 йиллар) ўзининг «Қонунлар руҳи ҳақида» китобида ҳокимиятнинг бўлиниши принципини илгари сурган. Монтескье фикрича, сиёсий хиёнатларнинг бўлмаслигини таъминлайдиган нарса уч ҳокимиятнинг: қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятининг тўла бўлиниши ва бир-бирини чеклашидир. Монтескье таълимотида алоҳида ўрин тутадиган ғоя-бу ҳокимиятларнинг мувозанати, тенглиги ҳамда уларнинг «ўзаро бир-бирини тийиб туриш ва қарама-қарши таъсир этиш тизими» ҳақидаги ғоядир. Юқорида зикр этилган ҳокимиятлар ўртасида шундай муносабат ўрнатилмоғи лозимки, бунда уларнинг ҳар бири давлат вазифаларини мустақил ўташ билан биргаликда ўз ҳуқуқий воситалари ёрдамида бир-бирларини мувозанатга чорлаб турадилар, ҳокимият ваколатларининг биргина муассаса томонидан қонунсиз равишда тортиб олиниши (узурпация қилиниши)ни бартараф этадилар. Масалан, қонун доирасида ишлаши лозим бўлган ижро этувчи ҳокимият айна пайтда, қонун чиқарувчи кенгашнинг фаолиятини чегаралаб туриши талаб этилади, акс ҳолда парламент ўзининг мутлақ ҳокимлигини ўрнатиши мумкин. Шу сабабли ҳам ижро ҳокимиятининг бошлиғи қонунларни имзолашда «veto» (яъни имзолашни вақтинча рад этиш) ҳуқуқидан фойдаланади, қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга бўлади.

Ўз навбатида қонун чиқарувчи орган ижро этувчи идора томонидан қонунлар қандай бажарилаётганлиги устидан назорат қилиш ваколатига эга, ҳукумат эса парламентга ҳисоб беришга мажбур.

Умуман «ҳокимиятнинг бўлиниши» назариясига кўра, давлат ҳокимияти ягона, яхлит, бир бутун деб эмас, балки турли ҳокимият (қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ваколатларини амалга оширувчи ҳокимиятлар)

функцияларининг йиғиндиси сифатида тушунилади. Бундай турли функцияларни амалга оширувчи ҳокимият органлари бир-биридан мустақил равишда ҳаракат қилишлари лозим. Лекин бу уччала ҳокимият идоралари бир-бирига боғлиқ эмас, деган маънони билдирмайди. Аксинча, улар бир-бирини тўлдиради ва назорат қилиб боради.

Ҳокимиятлар тақсимланиши принципи мамлакатнинг конкрет тарихий шарт-шароитларини ҳисобга олган ҳолда оқилона жорий этилсагина, ҳокимият органларининг мувозанати ва тенглигини таъминлаш мумкин. Мазкур принцип ҳокимият эгаси бўлган субъектларнинг ўзаро муносабатларини тартиб (муайян қолип, андоза)га солиш имкониятини беради. Зеро, уларнинг ҳар бири ўз соҳаси доирасида мустақил, бошқа ҳокимиятга иттифоқ этмайди, сўзсиз ижро этилишга мўлжалланган қарорлар (актлар) қабул қилади.

Ҳокимиятнинг учала шахобчаси, фақат улар ва, албатта, уларнинг учаласи биргаликда ягона давлат ҳокимиятини ташкил этадилар. Улардан бошқа ҳеч бир давлат органи ҳокимиятга даъвогарлик қилолмайди. Ҳокимиятлар тақсимланиши принципининг муҳим жиҳатларидан бири шуки, унда ҳокимиятнинг ҳар бир шахобчаси қолган икки ҳокимият субъектининг ҳар бирини назорат қилиш ҳуқуқи ва имкониятига эга бўлиши керак.

Ҳокимият бўлиниши принципи адолатли, демократик, ҳуқуқий давлатнинг энг муҳим белгиларидан бири ҳисобланади. Бундай принцип муайян давлатда бирор органнинг ёки алоҳида давлат раҳбарининг кучли диктатураси ўрнатилишининг олдини олади. Шунингдек, тегишли давлат органларининг ваколатлари, вазифалари аниқ бўлишини таъминлайди, бир органнинг иккинчи орган ишларига аралашувига барҳам беради, бошқариш соҳасида чалкашликлар келиб чиқишига йўл қўймайди ва ҳоказо.

Мазкур принцип ҳокимият органларининг ўзаро келишиб, бир-бирини назорат қилиб, уйғунлашиб ишлашларига ҳам имконият яратади. Булар эса адолатли, демократик давлатга хос жиҳатдир.

Дарҳақиқат, ҳозирги замон жаҳон мамлакатларининг конституциявий тажрибаси шуни кўрсатадики, ҳокимиятларнинг бўлиниш принципи, улар ушбу принцип расман ўрнатилган ёки ўрнатилмаганлигидан қатъи назар, барча чет эл конституциялари томонидан қабул қилинган. Чунончи Ўзбекистоннинг биринчи Конституциясида ҳам бу принцип расман 11-моддада ўрнатилган. Унга кўра, Ўзбекистонда қонун чиқариш ҳокимияти Олий Мажлис, ижроия ҳокимияти эса Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан амалга оширилади. Суд ҳокимияти Конституциявий суд, Олий суд ва Олий ҳўжалик суди томонидан амалга оширилиб, улар биргаликда Ўзбекистон Республикасининг ягона суд тизимини ташкил этади.

Конституциянинг «Давлат ҳокимиятининг ташкил этилиши» деб номланган бўлимида ана шу уччала ҳокимият органларининг ташкил этилиши, вазифалари, ваколатлари белгилаб қўйилган. Шу билан бирга уларнинг ўзаро фаолияти ва ўзаро муносабатлари ҳақида қоидалар ҳам ўрнатилган.

Президентимиз И.А.Каримов Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида давлат ҳокимияти органлари фаолияти бўйича қуйидагиларни таъкидлаб ўтдилар: ” Президент ваколатларининг бир қисмини Парламентнинг юқори палатаси - Сенатга ва ҳукуматга ўтказиш, профессионал, доимий асосда ишлайдиган қуйи-Қонунчилик палатасини шакллантириш, унинг ваколат ва ҳуқуқларини кенгайтириш;

иккинчидан, Бош вазир ва умуман, мамлакат ҳукуматининг ролини ва шу билан бирга, масъулиятини кучайтириш;

учинчидан, суд ҳокимиятининг мустақиллиги ва эркинлигини мустаҳкамлашга қаратилган аниқ, қонуний чора –тадбирларни амалга ошириш”¹⁰.

¹⁰ Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш , мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Т.: “ Ўзбекистон”, 2005.-37 б.

5. Сиёсий ва мафкуравий хилма-хиллик демократия

шарти

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 12-моддасида “Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланади. Ҳеч қайси мафкура давлат мафкураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмас”, деб мустақамланиши давлатимизнинг демократик моҳиятидан келиб чиқади.

Маълумки, ҳар қандай адолатли, демократик давлатда фуқароларнинг эркин фикрлаш ҳуқуқи кафолатланган бўлади. Инсоннинг эркин фикрлаш, ўз ақл-идроқи, қобилияти, олган билимларидан эркин фойдаланиш имкониятига эга бўлиши давлатда шахс ҳақиқий эркинлигининг ёрқин ифодасидир. Албатта, эркин фикрлаш бор жойда фикрлар хилма-хил бўлади ва турли мафкуралар, сиёсий институтлар, ҳаракатлар пайдо бўлиши мумкин. Акс ҳолда, яъни эркин фикрлаш чекланган жойда кўпинча инсон ўз фикрларини, хоҳиш-истакларини ошқора баён қилиш имкониятидан маҳрум бўлади. Бундай ҳолатларда одатда ягона мафкура ҳукмрон бўлади. Масалан, собиқ тоталитар тузумнинг 70 йилдан ортиқ ҳукмронлиги даврида коммунистик мафкуранинг яққаҳоқимлиги ўрнатилган эди.

Дарвоқе, биз мафкура ҳақида сўз юритар эканмиз, унинг моҳияти нима эканлигини ҳам қисқача билиб олишимиз зарур. Мафкура-бу маълум тизимга солинган ғоялар, қарашлар, фикрлар мажмуидир. Ҳар қандай мафкура муайян ижтимоий табақа, гуруҳ, миллатнинг ўтмишига, бугунги кунига ва келажагига қаратилган қарашлари йиғиндисидан иборат. Русчада мафкурани идеология дейишади. Бу грекча «идея» ва «логия» сўзларидан келиб чиққан бўлиб, аслида «ғоя» ва «таълимот» деган маънони англатади.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг ўз тараққиёт ва истиқлол йўлини мустақил ва эркин белгилаб олди. Эндиликда мустақил давлатнинг сиёсий, иқтисодий ва маънавий пойдеворини яратиш асосий вазифа бўлиб қолган. Бунда бизга эски, зўравонлик билан ўрнатилган коммунистик

мафкура мутлақо тўғри келмай, миллатимизни бирлаштирадиган, жипслаштирадиган мафкурага мухтожлик яққол сезилиб қолди. Бир сўз билан айтганда, миллий мафкурамизни яратиш долзарб масалага айланди. Шу йўлда қўйилган дадил қадам бу тарихимизда биринчи марта Конституциямизнинг 12-моддасида белгиланган меъёр бўлди. Унда илк бор Ўзбекистоннинг ижтимоий ҳаёти сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланиши белгиланди. Демак, бу билан битта мафкуранинг, битта дунёқарашнинг яққаҳоқимлигидан қатъиян воз кечилди.

Конституциямизнинг айнан шу моддаси жамиятимизда турли синф, тоифа, миллат ва элатларнинг манфаатларини ифодаловчи партиялар, уюшмалар ва уларнинг мафкуралари бўлиши мумкинлигини қонуний мустаҳкамлайди.

Мамлакатда ҳеч қайси мафкура давлат мафкураси сифатида тан олинмайди ва ҳатто ўрнатилиши ҳам мумкин эмас. Республикамизда ижтимоий ҳаётни ривожлантиришнинг муҳим йўли бу демократияга асосланган турли сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланар экан турли мафкуралар ва фикрлар давлат ва жамият хавфсизлигига тажовуз этмаслиги, ўз навбатида жамиятни иқтисодий, маданий, ижтимоий-сиёсий жиҳатдан ривожлантиришга ҳисса қўшмоғи лозимдир. Ҳар қандай мафкура муайян ижтимоий табақа, гуруҳ, миллатнинг ўтмишига, бугунги кунига ва келажагига қаратилган қарашлари йиғиндисидан иборат. Ҳар қандай давлатнинг демократик, ҳуқуқийлиги ёки зулмкор, зўравонлигини баҳолашда кўпинча унда шахсий дахлсизлик кафолатланганлигига, мустақил суд мавжудлигига, суд ҳокимиятининг мамлакатдаги ўрни ва обрўсига эътибор қилинади.

Президентимиз И.А.Каримов шундай деган эдилар: “Модомики, биз демократик жамият қурмоқчи эканмиз, жамиятимизда албатта кўппартиявийлик тизими бўлиши керак.

Бу тизим нима учун зарур, деган саволга мен шундай жавоб берган бўлардим. Кўппартиявийлик, аввало, жамиятимизда ўз манфаат ва қарашларига эга бўлган ҳар қайси ижтимоий қатлам ва гуруҳнинг мақсад ва интилишларини тўлиқ ақс эттириш учун керак”¹¹.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда расман рўйхатдан ўтказилган бешта партия мавжуд. Булар: Ўзбекистон Халқ демократик партияси, «Адолат» социал демократик партияси, Миллий тикланиш партияси, Фидокорлар миллий демократик партияси ва Тadbirkorлар ва ишбилармонлар ҳаракати Ўзбекистон Либерал - демократик партияларидир. Ушбу сиёсий партияларнинг ҳуқуқий мақоми «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 декабрдаги қонуни билан белгиланади¹². Унга кўра, сиёсий партия Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг қарашлар, манфаатлар ва мақсадлар муштараклиги асосида тузилган, давлат ҳокимияти органларини шакллантиришда жамият муайян қисмининг сиёсий иродасини рўёбга чиқаришга интилувчи ҳамда ўз вакиллари орқали давлат ва жамоат ишларини идора этишда қатнашувчи кўнгилли бирлашмасидир.

Сиёсий партиялар фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини амалга ошириш мақсадида хоҳиш-иродани эркин билдириш, партияга ихтиёрий равишда кириш ва ундан чиқиш, аъзоларининг тенг ҳуқуқлилиги, ўзини-ўзи бошқариш, қонунийлик ва ошкоралик асосида тузилади ва фаолият кўрсатади.

Қуйидаги сиёсий партияларни тузиш ва уларнинг фаолият кўрсатиши тақиқланади:

-конституциявий тузумни зўрлик билан ўзгартиришни мақсад қилиб кўювчи;

-Ўзбекистон Республикаси суверенитети, яхлитлиги ва хавфсизлигига, фуқароларининг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига қарши чиқувчи;

¹¹ Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз - жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир.Т.: “Ўзбекистон”, 2005 .- 12 б.

¹² Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, 2-сон, 36-модда.

- урушни, ижтимоий, миллий, ирқий ва диний адоватни тарғиб қилувчи;
- халқнинг соғлиғи ва маънавиятига тажовуз қилувчи;
- миллий ва диний руҳдаги партиялар.

Шуни айтиб ўтиш керакки, Ўзбекистонда сиёсий партиялардан ташқари беш мингдан зиёд жамоат бирлашмалари ҳам мавжуд.

Демократик тамойилларни ҳаётга тадбиқ этилишини рағбатлантириш, республика нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ифода этиш, уларни ҳимоя қилиш ва ҳар томонлама қўллаб – қувватлаш, демократик кучларни бирлаштириш мақсадида , 2005 йил 23 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Қарори билан “Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий Ассоциацияси” ташкил топди. Бу Ассоциациянинг асосий мақсади ихтиёрий равишда аъзо бўлган нодавлат нотижорат ташкилотларини ҳар томонлама қўллаб- қувватлаш, уларнинг ҳаётини янада эркинлаштириш ва демократлаштириш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ қилиш, демократик кадриятларни мустаҳкамлашдаги иштирокини, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий маданий ҳаётдаги фаоллигини, ҳуқуқий давлат асосларини мустаҳкамлаш ва инсон ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишдаги ўрнини янада кучайтириш.

Давлатимиз мавжуд барча сиёсий партияларнинг, жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқий манфаатларини муҳофаза қилади, уларнинг ижтимоий турмушда иштирок этиши учун кенг имкониятлар яратиб беради. Лекин ҳеч қайси партияга алоҳида имтиёз бермайди. Сиёсий партияларнинг барча соҳада тенг ҳуқуқлилиги кафолатланади. Конституциянинг 12-моддасида яна шу алоҳида қайд этилганки, ҳеч қайси мафкура давлат мафкураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмас. Бинобарин, бу ҳақида юртбошимиз бундай деб таъкидлаган эди: «Айни вақтда якка ҳокимликка интилишларга ва бир мафкура имтиёзли бўлиб қолишига йўл қўймаслик керак. Зеро, Ўзбекистоннинг давлат мустақиллигига ва хавфсизлигига раҳна соладиган, миллий ва диний адоватни авж олдирадиган, уруш ва зўравонликни тарғиб қилувчи, Конституциявий тузумга, халқнинг

демократик эркинликларига ва маънавиятига тажовуз қиладиган партиялар ва жамоат ҳаракатлари қонундан ташқари бўлиши лозим».

Ўзбекистон Конституциясининг 12-моддасида ўрнатилган меъёр олдимизга миллий истиқлол мафқурасини яратиш вазифасини долзарб қилиб қўяди. Миллий истиқлол мафқураси халқимизнинг қадимий анъаналарига, урф-одатларига, тилига, динига, руҳиятига асосланиб, келажакка ишонч, меҳр-муҳаббат, инсоф, сабр-тоқат, адолат, мурувват, маърифат туйғуларини тарғиб қилиши лозим. Унда жамиятимиздаги барча кучлар, ҳаракатлар, жамоат бирлашмалари, аҳоли турли табақаларининг ўй-фикрлари, орзу умидлари ўз ифодасини топмоғи лозим. У давлатимиз фуқароларини улут мақсад йўлида қалбан бирлаштиришга кўмаклашиши лозим,¹³ деб кўрсатади Президентимиз Ислам Каримов. Шу билан бирга бу мафкура халқимизда, ўзининг қудрати ва ҳимоясига суянган ҳолда умуминсоний кадриятларга асосланиб, жаҳон ҳамжамиятидаги тараққий этган давлатлар орасида тенг ҳуқуқли муносиб ўрин эгаллашига доимий интилиш ҳиссини тарбияламоғи керак.

Ҳар қандай жамият тараққиёти халқ дунёқарашини ҳисобга олмаса, тараққиёт асослари унинг маънавий кадриятларига, моддий манфаатларига мос келмаса бундай жамият таназзулга учраши табиий. Шунинг учун ҳам у жамики инсоний фазилатларни такомиллаштириш учун зарур шароит яратишни асосий вазифа қилиб қўяди. Бу бир томондан мустақиллик шароитида эндигина шаклланаётган давлат сиёсатининг нечоғлик инсонпарварлигини кўрсатса, иккинчи томондан давлат раҳбарининг сиёсий-маданий салоҳиятининг нечоғлик юксаклигини, халқ маънавий-руҳий эҳтиёжларини нақадар чуқур ўрганганлигини кўрсатади. Шу билан бирга эса, бу халқ ва ҳокимият интилишларининг муштараклигидан далолат беради.

¹³ Каримов И.А Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Т. 8. Ҳ. : “Ўзбекистон”, 2000.-463 б.

6. Ўзбекистонда демократик жараёнларнинг ривожланиш тенденцияси

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида, Президент И.А.Каримовнинг қатор чиқишлари, нутқлари ва асарларида бизнинг келгуси тараққиёт йўлимиз – ўзига тўқ, озод ва обод Ватан, замонавий, демократик, фуқаровий жамият ҳуқуқий давлат қуриш йўлини танлаб олганлигини, жаҳон ҳамжамиятида ўзининг муносиб ўрнига эга бўлишидан иборат эзгу мақсадларн эзгу мақсадларнзни эълон қилган. Биз, деб алоҳида таъкинлайди Президент И.А.Каримов «Мустабид тузум, ўта мафқуралашган, миллий ўзлигимизни топтаган эски тизимдан воз кечиб, халқимизнинг ҳохиш – иродаси, азму-қарорини бажо келтириб, очиқ демократик ва ҳуқуқий давлат қуриш, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантириш йўлини танладик».¹⁴

Мазкур эзгу, олийжаноб ва улўвор умуммиллий ва умумдавлат мақсадларининг амалга оширилишида ўтган 12 йилдан ошиқ вақт ичида юз йилларга, асрларга татиғулик ишлар амалга оширилди.

Натижада, Ўзбекистон БМТнинг аъзоси, бир қанча халқаро, минтақавий ташкилотлар, уюшмалар билан кўплаб соҳаларда, жаҳоннинг энг ривожланган, демократик давлатлари билан минтақада стратегик ҳамкорликни амалга оширмоқда.

Келажаги буюк Ўзбекистонда замонавий, демократик фуқаровий жамият, ҳуқуқий давлат қуриш ана шу олийжаноб мақсад ва ҳамкорликлари йўналишида, Ўзбекистон давлат мустақиллиги, миллий ҳавфсизлиги ва барқарор тараққиётини таъминлаш, такомиллаштиришда айниқса 2000-2004 йиллардан бери давлат ва жамият қурилишини эркинлаштириш, институцион ўзгаришларни амалга ошириш ва демократияни тузиш жараёнларини янада чуқурлаштириш, кенгайтиришни тақозо этмоқда.

¹⁴ И.А.Каримов. Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Йўналишлар Иқтисодиёт ва Матрицадаги Маърузаси. 2002 йил 29-август. -Т.: Ўзбекистон. 2002. –Б.6.

Жамиятни эркинлаштириш, демократияни, фуқаролик жамиятига, давлатни эса замонавий ҳуқуқий давлатга айлантириш учун нималар қилиш, қайси даражадаги тараққиёт суратларига эришиш керак?

Энг аввало Президент И.А.Каримов 1993 йилда ўзининг «Ўзбекистон – бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли» асарида ўта малакали иқтисодчи ва сиёсатчи сифатида очик, тўқ – фаровон замонавий, демократик фуқаролик жамият – яъни бозор иқтисодиётига асосланган жамиятни қутиш учун, биз ўзимиз қайси жамиятдан, қандай иқтисодий даражадан келиб чиқаётганимизни аниқ, қанчалик ёқимсиз ёки қабоҳат бўлиб кўринмасин, биринчи иқтисодий ҳисоб – китоб асосида илмий тасаввур қилишимиз керак. «Бизнинг республикада бозор иқтисодиётига ўтиш жараёни жуда ноқулай шароитда бошланди»¹⁵

Бунинг маъносини жуда лўнда қисқа очиб берар экан, Президент бир неча объектив, технологик шарт шароитлар кўринишида очиб берди.

Аввало, биз дунёда мислсиз сиёсийлашган, мустабид ва қата'он тузум, эркинлаштириш, конституциявий ўзгаришлар ва демократик эркинлик, ҳақ-ҳуқуқларга йўл бермас эди.

Бошқа томондан эса, хусусий мулк тўла ва қатъий тақиқланганлиги учун ҳеч қандай, шу жумладан иқтисодий ташаббус бошлашнинг иқтисодий ҳуқуқий асосини ўзи йўқ эди.

1991 йилда Ўзбекистон ўзига яқин республикалар каби дунё ахборот ва технологиялар тизимидан ажралган эди.

Холбуки бундай қараш, - «Инсоннинг жамиятдаги ўз ўрни ҳақида нотўри тасаввурга эга бўлиши, у ўзини кичкина одам, унинг учун ҳамма муаммони давлат ҳал қилади, деб ҳисоблаши ўтмишдан қолган асосий мерос»¹⁶, демократик фуқаровий жамият ва ҳуқуқий давлат қуришга ўтиш, тўқ-фаровон ҳаётга ўтиш йўлидаги энг фундаментал иқтисодий, технологик тўсиқ эди. Демак, «режали мутаносиб иқтисодий тараққиёт» нинг ҳалокатли

¹⁵ И.А.Каримов. Биздан озод ва обод ватан қолсин. -Т.: Ўзбекистон. 1994. –Б.49.

¹⁶ Ўша жой

йўли ту|дирадиган қашшоқлар ва фаоллик салоҳиятини йўқотган лоқайд одамлар тенглиги ту|дирадиган «бир текисчилик психологиясини таг томири билан тугатиш қатий зарурат...»¹⁷ эди.

Бу ахволдан чиқиб кетиш йўли эса, шубҳасиз иқтисодиёт, технологиялар ёки маънавият соҳаси билан эмас, сиёсий соҳа билан билан бо|лиқ эди. Ўзбекистоннинг ўз сиёсий, давлат мустақиллигининг эълон қилиниши ана шундай буюк неъмат эди.

Мустақил Ўзбекистон ўзининг дастлабки сиёсий ҳужжатларидаёқ, айниқса, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мазкур «қашшоқлар тенглиги» жамиятининг асоси бўлган ижтимоий-давлат мулкчилигининг мутлақ мақомини чеклаб, мулкчилик шаклларининг хилма-хиллиги, тенглигини эълон қилар экан, минг-минглаб куруқ ишоралар, давлатлар билан кўлга киритиб бўлмайдига, демократик, эркин фуқаролик жамияти, ҳуқуқий давлат сари дастлабки қадамларини ташлади.

Демократик, фуқаровий жамият куртакларини АҚШга илк бор 1831 йилда келиб, ўз кўзлари билан кўрган француз сиёсатшуноси А.Токвиль ўзининг «Америкада демократия» номли асарида шундай ёзади: «АҚШ бўйлаб саёҳат қилаётган сиёсатни ҳамма нарсадан ҳам, бизда давлат ёки маъмурият деб аталадиган нарсанинг йўқлиги ҳайрону-лол қолдиради. Америкада пухта ўйлаб ёзилган, тузилган ва қабул қилинган қонунлар мавжуд, уларнинг борлиги кундалик ҳаётнинг ҳар бир дақиқасида пайқаш мумкин. Бизнинг атрофимиздаги ҳамма нарса узлуксиз ҳаракатда, бироқ бу ҳаракатнинг манбаси қаерда эканлиги кўринмайди. Ижтимоий тузилмани бошқариб турувчи «кўл» қатъий бир тарзда кўздан яширин...Жамият бу ерда ўз-ўзини бошқарар экан, деярли мустақилдир».

Шунинг учун ҳам А.Токвил ўзи АҚШда курган янги идора ва бошқарув усулларини "Тамомила янги асосларга қурилган жамиятни яратиш борасидаги энг буюк экспериментидир" деб баҳо берган. Инсоният тарихида

¹⁷ И.А.Каримов. Биздан озод ва обод ватан қолсин. -Т.: Ўзбекистон. 1994. –Б.50.

биринчи бўлиб, мамлакат давлат томонидан эмас, балки жамиятнинг ўзи томонидан идора этилган ва бошқарилган».

Мана шундай ўзини-ўзи бошқаришга асосланувчи фуқаролик жамиятининг иқтисодий фундаменти «Хусусий мулк муқаддас ва дахлсиздир» деган принципдир. Чунки хусусий мулк жамиятнинг таркибий, ижтимоий катлам, табақа ва гуруҳларининг мустақил қилиб ажратиб қўйиш билан чекланмай, хусусий мулк эгаси бўлган фуқаронинг, иқтисодий фаолият юритиш эркинлигини, рақобат курашида фаол ва самарали иштирок этишини таъминлайдиган ижтимоий-иқтисодий моддий куч, асосдир. Ана шу моддий куч, асосга таянган ҳолда шахс давлат ҳокимиятига нисбатан автоном ижтимоий-иқтисодий бирлик, мустақил мавқеини эгаллай олади. Бунда нафақат конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлар воситасида, уларнинг ёрдами билан, балки ўзига ўхшаган моддий кучга таянувчи, мустақил фуқаролардан ташкил топган ижтимоий институтлар (муассасалар) ёрдамида, ҳатто куч, қурол ишлаб, бутун мумкин бўлган чора, воситалар билан ўзининг автоном, дахлсиз эркинлик ва мутлоқлиги мақомини давлат ҳокимиятининг ёки бошқа ёт кучларнинг қонуний бўлмаган тажоввузларидан, дахлсизлигини бузишдан ҳимоя қила олади.

Шунинг учун ҳам Ўзбекистоннинг демократик, фуқаровий жамиятга айлантирилишни кўзда тутувчи, бунинг конституциявий-ҳуқуқий асосларини белгилаб берувчи Ўзбекистон Республикаси Конституцияси бизнинг жамиятимиз, аста секин бўлсада, лекин изчил, босқичма-босқич тарзда хусусий мулк муносабатлари, бозор иқтисоди ва рақобат муҳитини яратишга қаратилган йўлдан бормоқда

Иккинчи муҳим жабҳа, бозор иқтисодига асосланган эркин жамият куришнинг 5 тамойили ҳам Ўзбекистонда демократик, фуқаровий жамият, ҳуқуқий давлат куриш сари ташланган фундаментал қадам бўлди.

Юқоридаги ҳар икки жиҳат – хусусий мулкчиликка йўл очилиши ва бозор иқтисодига босқичма-босқич, тадрижий ўтиш йўлини 5 тамойили бирлаштирилганда, ўзаро уйлаштирилганда ҳақиқий фуқаролик,

демократик жамияти, ҳуқуқий давлатларда бўлгани каби Ўзбекистонда ҳам бир шахс, фуқаро «ўз фаолиятининг мақсадга мувофиқлигини, самаралигини, самарали ияти билан муносиб турмуш шароитини таъминлаши мумкинлигини тушуниб етиш даражасига кўтарилди.

Давлат ва жамият қурилишининг Ўзбекистондаги бугунги тараққиёти ҳам Президент И.А.Каримов кўрсатиб бераётгани, талаб қилаётганидек ўзининг энг мураккаб, масъулиятли палласи, босқичига кирмоқда.

Бошқа томондан эса, юқори сиёсий ҳокимият ваколатлари трансфармацияси Ўзбекистондаги реал конституцион-ҳуқуқий тараққиётнинг қуйидаги 3 фундаментал муаммосини очиқ ойдин, қатъий ва изчил мантиқий ниҳоясига олиб келишини талаб қилади.

1. Хусусий мулкчиликнинг бошқа мулк шакллари билан «Тенг ҳуқуқлилиги» эмас, балки унинг мустақил Ўзбекистон иқтисодий технологик тараққиётининг асоси эканлиги Конституцияда «Хусусий мулк муқаддас ва дахлсиздир» деган модда ўзининг конституцион-ҳуқуқий мақоми, кафолати, эканлигига аниқ ёзиб қўйилиши мақсадга мувофиқдир.

2. Кўпфирқалилик расмий ҳокимият мос «чўнтак партиялар» шаклида эмас, демократик жамиятлардаги каби қудратли ижтимоий фаолият шаклига айланиш лозим. Бу эса Ўзбекистондаги давлат ҳокимияти, сиёсий тизим обрўси ва таъсирини янада орттиради.

3. Ҳокимият турларининг бўлиниши, мустақиллиги принципи ҳам ўзининг мантиқий ниҳоясига етказилиб, нафақат Президент, депутатлар, балки вилоятлар, шаҳарлар, туманлар ҳокимиятининг тайинланиши принципи бекор қилиниб, сайланиш принципи Конституцияда ўзининг қатъий, изчил конституцион-ҳуқуқий мақоми, кафолатига эга бўлиши лозим.

Бу Ўзбекистонда давлат ҳокимияти ўзининг конституцион-ҳуқуқий мақоми ваколатлари доирасида бевосита бажариши, амалга ошириши мутлақо зарур бўлган функционал вазифадир.

Хулоса

Юқорида, мен ёритган курс ишимнинг хулосалари ва шу хулосалар асосида ҳозирги кундаги демократик ўзгаришларга мос бўлган, ўз тақлифларимни келтириб ўтаман. Шунини алоҳида қайд этиб ўтиш керакки, жамиятимизни эркинлаштириш, модернизация ва ислоҳ этиш бугунги куннинг энг муҳим масаласи бўлиб қолар экан, шу босқичда демократик тамойилларни таъминлашда қандай қонунлар, қонуности актлари қабул қилиниши ва ҳаётга тадбиқ этилиши кераклиги хусусида юқоридаги ижодий ишимда бир қадар тўхталиб ўтдим. Мустақил Ўзбекистоннинг биринчи конституциясида демократик принциплар юқори даражада таъминланган.

Давлат жамият ҳаётини ташкиллашда, бошқариш, барқарор тараққиётни таъминлашга иштирок этмайди. дегани эмас. Давлат мазкур жараёнларда ўзининг конституцион-ҳуқуқий мақоми, ваколатлари, функционал вазифалари доирасида иштирок этади, бутун ўзбек жамияти барқарор тараққиётини таъминлашга қаратилган умумжамят ҳамкорлик фаолиятида (социальное партнёрство) қонуний, зарурий тарзда, (ҳаддидан ошмай, зўравонлик ёки ўзбошимчалик билан эмас) иштирок этади.

Лекин биз юқорида ҳавола этган тадқиқотлар муаллифлари – мутахассислар фуқаролик жамияти таркибий қисм, унсурларининг назарий моделдаги, етук ривожланган мамлакатлардаги схемасини чизиб кўсатиш, Ўзбекистондаги «Ҳокимиятга мос жамоат бирлашмалари, уюшмалари» реал фаолияти жараёнларининг демократик фуқаровий жамияти сари тараққиёти йўлидан бораяптими деган мантиқий саволни бир мунча четлаб ўтадилар.

Холбуки бу принципиал масала бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг, айниқса 2000-2003 йиллардаги барча чиқишлари, нутқлари, асарлари марказида турибдигина эмас, Президент томонидан Ўзбекистон барқарор тараққиёти учун ҳаёт-момот масаласи деб эълон қилинмоқда.

Демократик жараёнларни янада чуқурлаштириш, фуқаролик жамияти асосларини янада шакллантиришнинг ҳал қилувчи йўналишларини

таърифлар экан Президент И.А.Каримов ўзининг Ўзбекистон Олий Мажлиси II чақирик, IX сессиясида (2002 йил 29 август)ги нутқида учинчи йўналиш – иқтисодиётни эркинлаштириш, хусусий мулкчиликнинг халқимиз яратаётган ялпи миллий бойлигидаги ҳиссасини ошириш, валюта амалиётини эркинлаштириш, иқтисодиётимизда таркибий институциявий ўзгаришларни чуқурлаштириш охир оқибатда Ўзбекистонда ҳам фуқароларнинг муносиб ва барқарор даромадлари манбаининг вужудга келиши, мулкдорлар синфини вужудга келтиришни таъминлайди деб кўрсатди.¹⁸

Жамият эса айнан фуқаролик жамиятига айланган, ноҳукумат, норасмий инсон ҳуқуқлари, бирлашмалари, уюшмаларининг кенг тармоқли, фаол ва қудратли жамоатчилик тизими кучига таянганлагина ҳокимиятни, у қанчалик қудратли бўлиб кўринмасин, конституцияда белгилаб қўйилган конституцион-ҳуқуқий мақоми, ваколатлари ва функционал вазифалари доирасидагина фуқаролар манфаатларини таъминлаш, кафолатлаш, керак бўлса ўзининг мажбурлаш ташкилотлари билан ҳимоя қилишга «мажбур қила олади».

Демак, давлат шундай умумий шарт-шароитларни ва андоза (тизгинловчи, тиювчи ва оқилona тўри йўналтирувчи) ларни вужудга келтиришига нафақат йўл қўйиш, ҳимоя қилиш, уларга хайрихоҳ бўлиш, балки уларнинг жамиятда тобора кўпайиши, қудратли ва салмоқли таъсир кучига эга бўла боришдан ҳаёт-мамот даражасида манфаатдор бўлиши зарур. Зеро улар воситасида жамият нафақат эркин ривожланиш имкониятлари очилади., балки давлат фуқароларнинг ўзлаига тегишли залворли қисмини ўз зиммасига олиши, кўп миқдордаги маъмуриятчи тўрачилик ҳокимияти ўзлаштираётган иқтисодий ресурс-манбаларни тежаб қолиш имконини беради.

¹⁸ И.А.Каримов Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2 чақирик IX сессиясидаги маърузаси. 2002 йил 29-август. -Т.: Ўзбекистон. 2002. –Б.18.

Давлат ҳокимияти, идора ва бошқарув усулининг бундай эркинлашуви охири оқибатда давлатни ўзини эркесвар давлатга жамиятнинг ўзини эса асл маънода инсонпарвар фуқаролик жамиятигина айлантиради.

Демак, давлат ва жамиятнинг ўзаро душманлари сифатида эмас, балки ижтимоий ҳамкор бўлишлари, уларнинг бир бирларига узаро очик, хайрихоҳ ва сабр тоқатли муносабатда бўлишлари уларнинг туб, том маънода бир бирларига ишонч муносабатларининг қарор топишига олиб келади. Яъни, давлат қанчалик жамият, фуқаролар манфаатларини рўёбга чиқаришга йўл берса, жамият ҳам давлатнинг идора ва бошқарувини ўз манфаатларининг рўёбга чиқариши деб қабул қилади. Ана шу маънода, давлат ва жамият самимий ишонч муносабати, эҳтироми асосида бир бирига қараб қадам ташлай оладиган бўлади.


Бунинг учун эса, Президент И.А.Каримов ўзининг 2002 йил 29-августда Олий Мажлиснинг II чақириқ IX сессиясидаги нутқида бирма-бир санаб, кўсатиб, таҳлил қилиб, таърифлаб берганидек мустабид, қатағ'он тизимнинг зўравон давлат идора ва бошқарув усуллари, йўл, воситаларини инерция кучи билан ҳамон ворисий сақлаб қолган, давом эттираётган Ўзбекистондаги давлат ҳокимияти ўз идора ва бошқарув усулини эркинлаштириш, демократлаштириш, инсонпарварлаштириш ва замонавийлаштиришнинг то'ддек залворли ўзгаришларини «Бош ислоҳотчи сифатида бутун масъулияти билан тушуниб етиши, англаб етиши ва амалга ошира билиши талаб этилади.

«Шуни унутмайликки, - деган эди И.А.Каримов ўзининг мазкур нутқида, - бу давлатнинг назорат функцияларини қанчалик кучайтирсак, назорат билан шуғ'улланувчи давлат тузилмалари ва органларини қанча кучайтирсак, амалдорларнинг зўравонлиги коррупция шунча авж олаверади».¹⁹


¹⁹ И.А.Каримов Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг I чақириқ IX сессиясидаги маърузаси. 2002 йил 29-август. -Т.: Ўзбекистон. 2002. –Б.23.

Иловалар

№1. Демократиянинг асосий белгилари.



№2. Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимиятлар бўлиниши



№3. Давлат суверенитети



Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

I. Раҳбарий адабиётлар

1.1. Каримов И. А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т. 1. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – 364 б.

1.2. Каримов И. А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т. 2. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – 380 б.

1.3. Каримов И. А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т. 3. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – 366 б.

1.4. Каримов И. А. Бунёдкорлик йўлидан. Т. 4. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – 394 б.

1.5. Каримов И. А. Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби. Т. 5. – Т.: Ўзбекистон, 1997. – 384 б.

1.6. Каримов И. А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т. 6. – Т.: Ўзбекистон, 1998. – 429 б.

1.7. Каримов И. А. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. Т. 7. – Т.: Ўзбекистон, 1999. – 413 б.

1.8. Каримов И. А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз. Т. 8. – Т.: Ўзбекистон, 2000. – 525 б.

1.9. Каримов И. А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. Т. 9. – Т.: Ўзбекистон, 2001. – 439 б.

1.10. Каримов И. А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т. 10. – Т.: Ўзбекистон, 2002. – 432 б.

1.11. Каримов И. А. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т. 11. – Т.: Ўзбекистон, 2003. – 320 б.

1.12. Каримов И. А. Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-қудратимизга, ҳамжиҳатлигимиз ва қатъий иродаимизга боғлиқ. Т. 12. – Т.: Ўзбекистон, 2004. – 400 б.

1.13. Каримов И. А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т. 13. – Т.: Ўзбекистон, 2005. – 448 б.

1.14. Каримов И. А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир. – Т.: Ўзбекистон, 2005. – 96 б.

1.15. Каримов И. А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари-энг олий қадрият. // Халқ сўзи, 2005 йил 10 декабр.

1.16. Каримов И. А. Юксак маънавият - енгилмас куч. – Т.: Ўзбекистон, 2008.

1.17. Каримов И. А. Энг асосий мезон – ҳаёт ҳақиқатини ақс эттиришдир. – Т.: Ўзбекистон, 2009.

1.18. Каримов И. А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози. Ўзбекистон шароитида-уни бартараф этиш йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009.

II. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар

1. БМТ томонидан 10 декабрь 1948 йилда қабул қилинган. Ўзбекистон Республикаси ушбу декларасияга Олий Мажлиснинг 30 сентябрь 1991 йилги қарори билан қўшилган.

2. Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида халқаро пакт БМТ томонидан 16 декабрь 1966 йилда қабул қилинган. 1976 йил 23 мартда кучга кирган. Ўзбекистон Республикаси ушбу декларасияга Олий Мажлиснинг 31 август 1995 йилги қарори билан қўшилган.

3. Ўзбекистон Республикасида 1995 йил 28 декабрдан кучга кирган Ижтимоий, иқтисодий, маданий ҳуқуқлар тўғрисида халқаро пакт БМТ томонидан 16 декабрь 1966 йилда қабул қилинган. 1976 йил 23 мартда кучга кирган. Ўзбекистон Республикаси ушбу декларасияга Олий Мажлиснинг 31 август 1995 йилги қарори билан қўшилган. Ўзбекистон Республикасида 1995 йил 28 декабрдан кучга кирган

4. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т., «Ўзбекистон» 2008 й.

5. Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида”ги қонун // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаш Ахборотномаси, 1991 й, №11, 246 бет

6. “Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури” // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси.–1997.–№ 9.

7. “Ўзбекистон Республикаси референдуми тўғрисида”ги Қонун (Янги таҳрири) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси 30.08.2001 й. N 265-II // N 9-10, 176 м. // ЎзР Қонуни билан ўзгартириш киритилган 03.12.2004 й. N 714-II // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси, 2005, № 1, 18 м.

8. “Ўзбекистон Республикаси Сенати тўғрисида”ги Конституциявий қонун. 12.12.2002 йилда қабул қилинган. // Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси Ахборотномаси 2002, N 12, 213 м. // ЎзР Қонуни билан ўзгартириш киритилган 25.04.2003 й. N 482-II // Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси Ахборотномаси 2003, N 5, 67 б.

9. “Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик Палатаси тўғрисида”ги Конституциявий қонун.12.12.2002 йилда қабул қилинган // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси 2002, N 12, 215 м. // ЎзР Қонуни билан ўзгартириш киритилган 25.04.2003 й. N 482-II // Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси Ахборотномаси 2003, N 5, 67 м.

10. “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни. 14.12.2000 йилда қабул қилинган // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси 2001, N 1-2, 8 м. // 12.12.2003 й. N 568-II; 03.12.2004 й. N 714-II ЎзР Қонуни билан ўзгартириш киритилган // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномалари 2004, N 1-2, 18 м.; 2005, № 1, 18 м.

III. Асосий адабиётлар

1. Азизхўжаев А.А. Чин ўзбек иши *Т.*:Халқ сўзи 2003 й 22 июль
2. Азизхўжаев А.А.Хуқуқий демократик давлат қурилиши муаммолари. – *Т.*: “Халқ сузи”,1992 17 сентяб
3. Азизхўжаев А.А. Давлат бошқаруви турли муаммолари – *Т.*: “Халқ сузи”,1992, 7 ноябрь

4. Азизхўжаев А.А. Мустақил Ўзбекистонда давлат қурилиши нинг долзарб муаммолари Ж.: – Т.: “Мулоқот” 1993
5. Азизхўжаев А.А. Ҳокимият тақсимланиши таомилининг амалий ифодаси Ж: “Ҳаёт ва қонун” – Т.: 1994 № 2 .
6. Азизхўжаев А.А. “Демократия - халқ ҳокимияти демақдир Т.: “Ўзбекистон овози” 1996й 25 январь
7. Азизхўжаев А.А. “Мустақиллик: курашлар, изтироблар, қувончлар” Т.: Халқ сўзи 2001 й 10 февраль
8. Азизхўжаев А.А. “Мустақил бўлсанг - мустақил бўл давлат бўлсанг давлат бўл” Т.:Халқ сўзи 2001й 27 апрел.
9. Азизхўжаев А.А. Эркинликнинг ғалабасини муҳрлаган қонун" Т.:Халқ сўзи 2001й 28 ноябр.
10. Азизхўжаев А.А. “Халқ-ҳокимиятнинг бирдан - бир манбаи” Т.:Халқ сўзи 2002й 19 январь
11. Азизхўжаев А.А. "Конституциявийлик тамойиллари ва кафолатлари” Т.:Халқ сўзи 2002 й 26 ноябрь
12. Конституциявий ҳуқуқ (изоҳли луғат). А.Азизхўжаев, О.Хусанов, Х.Азизов. – Т: Академия, 2001.- 160 б.
13. 11.Таджихонов У. ва бошқалар. Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий ҳуқуқи. Дарслик.Т.: Шарқ.- 532 б.
14. Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий ҳуқуқи. Муаллифлар жамоаси. Дарслик.Т.: Молия.- 2002 645 б.
15. Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий ҳуқуқи. Муаллифлар жамоаси. Дарслик.Т.: Т.Ю.Ю.И.- 2005 545 б.
16. Ўзбекистон Республикасининг конституциявий ҳуқуқи фанига схемали ўқув-методик қўлланма / Сўз боши А.А.Азизхўжаев; Тузувчилар: О.Хусанов, Х.Азизов ва бошқ. –Т.: Шарқ, 2001. –128 б.
17. Қаюмов Р.Қ. Ўзбекистон Республикасининг конституциявий ҳуқуқи. Дарслик. – Т.: ИИВ Академияси, 1997. – 400 б.
18. Исламов З.М. Общество, государство, право- Т.: «Адолат», 1997

19. Аҳмедов Д.Қ. // Основной Закон нашей жизни. - Вечерний Ташкент. -4 декабрь. -2002

20. Хидиров С.М. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг ривожланиш босқичлари. //Илмий-анжуман материаллари. 5 декабр 2003. - Б.24 -29

IV. Қўшимча адабиётлар

1. Исломов З. Конституция ва қонун устунлиги. /Масъул муҳаррир юридик фанлар доктори, профессор А.Х.Саидов. –Т.: ТДЮИ, 2005. -39 б

2. Турсунов А.С. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва ташқи сиёсат. /Масъул муҳаррир юридик фанлар доктори, профессор А.Х.Саидов. – Т.: ТДЮИ нашриёти, 2005.- 46 б

3. Аҳмедов Д.Қ . Конституция ва халқ ҳокимиятчилиги. Маъсул муҳаррир А.Х. Саидов – Т.: ТДЮИ нашриёти, 2005.- 43 б

4. Муҳамедов Х.М Ўзбекистон. Конституция ва давлат сувернитети. Маъсул муҳаррир А.Х. Саидов – Т.: ТДЮИ нашриёти, 2005.- 43 б

V. WEB ресурслар

5.1. <http://www.yuridlit.ru>

5.2. <http://www.allpravo.ru>

5.3. <http://www.troek.net/zakaz.htm.ru>

5.4. <http://www.lawbook.ru>

5.5. <http://www.books.ru>

5.6. <http://www.bookz.ru>